

КОРАМОЛЛАР ТУБЕРКУЛЕЗИНИ АЛЛЕРГИК ТАШХИСИДА ППД — ТУБЕРКУЛИН ВА СКЖ — ТУБЕРКУЛИНЛАРНИНГ УЗАРО КИЕСИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Г. Х. МАМАДУЛЛАЕВ, О. А. ЖУРАЕВ, М. А. РУЗИМУРӨДӨВ
Ўзбекистан ветеринария илмий тадқиқат институти

Туберкулинизация — ҳайвонлар туберкулезный аниқлашда асосий услублардан бири ҳисобланиб махсус туберкулинлар ёрда- мида амалга оширилади. Туберкулиннинг сифати аллергия таш- ҳисда асосий омил бўлиб, текширишлар самарадорлигини белги- лайди. 1

Турли мамлакатларда туберкулин тайёрлаш учун туберкулез- нинг М. Бонне ва М, туберкулезис штаммларидан фойдаланила- ди.

Баъзи туберкулинлар М. Бовис, бошқалари М. туберкулезис турларидан ёки иккала штамм биргаликда қўшиб тайёрланади. Айрим тадқиқотчилар эса бир пула 3 ёки ундан ортиқ штаммлар- дан фойдаланишган. Мана шундай туберкулинлардан бирини биз ўз тадқиқотларимизда синовдап ўтказдик.

СКЖ — туберкулин Козогистон ветеринария илмий тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ва¹ Олма-Ота биофаб- рикасида ишлаб чиқарилган бўлиб, сут эмизувчи ҳайвонлар учун мўлжалланган. СКЖ — туберкулин —■ тиник, сқ-сарик рангли тайёр стандарт эритма шаклидаги аллергия ген бўлиб, чуқма ёки бошқа қўшимчалардан мустаснодир. Сақлаш муддати. — ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 1 йил.

Препарат 5000 ТБ (туберкулин бирлиги)¹ ёки 0,2 мл миқдор- да тери ичига юборилади. Бунинг учун БИ-7, ИБВ-02 асбобларп ёки 1—2 мл ҳажмдаги шприц/ ва туберкулинизация учун кулла- ниладиган игналардан фойдаланиш мумкин.

СКЖ — туберкулин асосан қорамоллар туберкулезини анналам учун кулланилади. Бузоқларни 2 ойлигидан, сигирларни бу- гозлигининг ҳар қаидай давридан қатъий назар аллергия текши- риш зарур. Хўкизларга аллергия ген дум ўзагининг тери бўр- масига юборилади. Реакция натижаси 72 соатдан сўнг ўлчанади.

Туберкулез бўйича соғлом хўжаликда СКЖ — туберкулинга 5 мм ва носоғлом хўжаликда 3 мм дан ортиқ натижа берган ҳай- вонлар ижобий реакция берувчилар ҳисобланади.

Мазкур ҳабарномада ушбу туберкулиннинг қорамоллар ту- беркулезини аллергия ташхисидаги самарадорлигини Курси био- фабрикасида ишлаб чиқарилган ва сут эмизувчи ҳайвонлар учун мўлжалланган ППД-туберкулин билан биргаликда киёсий равиш- да синаб кўриш натижалари баён қилинади.

ПО

Таъриба туберкулез бўйича носоглом ҳўжаликда ўтказилди.

Дастлаб 320 бош қорамол ППД-туберкулин билан 90 кун оралигида 2 марта туберкулезга аллергик услубда текширилди. Биринчи текширишда 14 бош сигирда ППД— туберкулинга ижобий реакция аниқланди. Ракциянинг ўртача интенсивлиги $5,5\pm 0,3$ мм ни ташкил қилди. Иккинчи текширишда 32 бош қорамолда ППД-туберкулинга ижобий реакция берувчи қорамол аниқланиб, ўртача интенсивлик $4,7\pm 0,3$ мм га тенг бўлди.

Текширишлар натижаларига қўра доимий реакция берувчи қорамоллар подадан ажратиб олинди ва учта гуруҳга бўлинди: I ва II гуруҳларда 10 бошдан, III-гуруҳда — 12 бош. Учинчи текшириш муддатида I-гуруҳ моллари ППД-туберкулин билан, II-гуруҳ — СКЖ-туберкулин ва III-гуруҳ параллел равишда ҳар иккала препарат (бир вақтнинг ўзида бўйиннинг чап томонидан ППД-туберкулин ва ўнг томонидан СКЖ-туберкулин) билан текширилди.

Реакция натижаси 72 соатдан сўнг ўлчанди.

Қорамолларнинг барчасида ижобий натижа қайд қилиниб I-гуруҳдаги реакциянинг ўртача интенсивлиги $4,7\pm 0,7$ мм, II-гуруҳда — $7,1\pm 0,6$ мм ва III-гуруҳда — ҳар иккала аллергенга ҳам қарийб бир ҳил натижа ППД-туберкулинга $6,3\pm 0,3$ ва СКЖ-туберкулинга $6,0\pm 0,4$ мм ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижаларига қўра ҳулоса қилиш мумкинки, қорамоллар туберкулезини аллергик ташҳис қилишда СКЖ-туберкулин ижобий натижа берди. ППД-туберкулинга нисбатан қиёсий равишда синовдан ўтказилган текширишларда қарийб бир ҳил натижа олинди. СКЖ-туберкулиннинг аллергенлик хусусияти бўйича ППД-туберкулидан қолишмаслиги аниқланди. Шунинг учун қорамоллар туберкулезини аллергик услубда ташҳис қилишда ППД-туберкулин билан бир қаторда таъсис қилинган кўрсатмага мувофиқ 0,2 мл (5000 ТБ) миқдорида СКЖ-туберкулин билан ҳам фойдаланиш мумкин.

БУЗОҚЛАР ДИПЛОКОКК СЕПТИЦЕМИДСИ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАШХИСИ

МАҲМАТКУЛОВ М. А. АБДУСАТТОРОВ А.

Ўзбекистан ветеринария илмий тадқиқот институти

Маълумки ҳар қандай касалликка ўз вақтида тўғри қўйилган ташҳис асосий муваффақиятлар гаровидир, чунки кўп касалликларда кузатиладиган клиник белгилар ва патоморфологик ўзгаришлар бир-бирларига ўхшаш бўлади.

Бўзоқлар диплококк инфекциясига ташҳис қўйишда қўйидаги